

ВАТАНЛАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2000 йил, 10 март, жума № 30 (1294).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Пятница, 10 марта, 2000 г. № 30 (1294).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Мухтарама онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Муноси ва лобар қизларини!

Барчагининг зеболик ва нафосат айёми — 8 март байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу гўзал айёмнинг илк баҳор кунларида байрам қилиниши бежиз эмас. Чунки Ваҳор ва Аёл тушунчаларини бир-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки сўз замирида ҳаёт абадийлигига ишонч, меҳр-муҳаббат, покиза орзу-умидлар мужжасам.

Аёл эоти Оллоҳ таоло яратган табииётнинг энг буюк мўъжизаси, деган фикрда теран маъно бор.

Аваламбор, аёл — ўзининг бетакрорлиги билан мўъжиза.

Аёл — ўзининг гўзаллиги билан мўъжиза.

Аёл нафақат онлада, балки бутун жамият ҳаётида меҳр-муҳаббат, оқибат, аҳлилик муҳитини қарор топтириши билан мўъжиза.

Аёл эотининг ҳаётни давом эттиришдек қудрати, оналик синаотининг ўзи улуг бир мўъжиза эмасми?

Оқ сўти билан янги-янги авлодлар қалбига ўз юртига меҳр ва садоқат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини сингдира олиши аёл буюклигининг яна бир ифодаси эмасми?

Мухтасар қилиб айтганда, аёл инсонни инсон, онали онла қиладиган, ҳаётни гўзаллик ва меҳрибонлик билан нурафшон этадиган

мўътабар зотдир.

Аждодларимизнинг аёлларга нечоғли ҳурмат ва меҳр билан иззат-икром кўрсатгани барчамизга яхши маълум. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу эзгу фазилатлар миллатимизнинг қон-қонида яшаб келмоқда.

Бу бизнинг ана шу азалий қадриятларга содиқ бўлиб амалга ошираётган бугунги хайрли ишларимизда намоён бўлмоқда.

Шу нуқтан назардан қараганда, Аёллар йилли муносабати билан белгиланган тадбирларимиз бир ёки бир неча йил билан чекланмайди, албатта. Уларни изчил давом эттириш, бу борадаги орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз буюк келажакимизни яратиш, ҳаётимизни фаровон ва ёруғ қилиш мақсадида қандай ташаббус бошламайлик, бу эзгу интилишларимизда аввало мухтарам аёлларимизга таянамиз.

Инсон манфаатлари йили деймизми, Оила йили деймизми, Соғлом авлод йили деймизми, бу борадаги дастур ва режаларимизнинг рўёбга чиқиши биринчи галда аёлларимизга, уларнинг ақл-заковати, жасорати ва фидойилигига боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда аёлларимизнинг фаоллиги, жамият ҳаётида ўз ўрнини топаётгани, Оллоҳ таоло уларга ато этган барча фазилатларини тўла намоён қиладигани «Аёл дунё бешинчи тебра-

тади», деган ҳикматнинг тасдиғи эмасми?

Энг муҳими, мен ватандошларимга, халқимизга яна бир бор шуни айтмоқчиман: биз ўзимиз танлаган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, кўзлаган мақсад — муддаоларимизга етиш, халқимизнинг руҳини уйғотиш йўлида эзгу қадриятларимизни таянч деб билиб, улардан ҳамisha маънавий куч-қудрат оламиз.

Бу қадриятлар замиридаги аёлга ҳурмат, аёлга эҳтиром туйғуларни жамиятимиз маданий савиясини, унинг маънавиятини янги босқичга кўтаришга, инсоний фазилатларимизни янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Биз бу олижаноб йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Мухтарама оналар, қадрли опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Сизларни яна бир бор улуг айём — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ҳаётимизни маъно-маъмул билан тўлдириб, умр йўлларимизни мунаваар этиб келаятган сиз — азиятларга ҳар қанча ташаккур айтсан, ҳар қанча таъзим қилсан арзийди.

Толенгиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ-насибонгиз доимо бутун бўлсин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларимиз бахтига ҳамisha омон бўлинг!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини.

● СЕНИНГ УЎЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!



Катта лейтенант Қаҳҳор Қобулов ўз вазифасини жуда яхши тушунади ва уни аъло даражада бажармоқда.

— Жанговар қурод-аслаҳани жуда яхши билиш, ундан моҳирлик билан фойдаланиш ва асраб-авайлаш ҳар бир Ватан ҳимоятчисининг бурчидир, — дейди у.

В. СУЧКОВ суратга олган.

● БАЙРАМ САДОСИ

Энг қутлуғ кун

Барча ҳарбий жамоалардаги сингари Нукус гарнизонида ҳам 8 март — Хотин-қизлар байрами кенг ишониланди. Чоршанба кунги орталабдан Гарнизон офицерлар уйи меҳмонлар билан гавжум бўлди. Уларнинг орасида ҳарбий хизматчи хотин-қизлар ҳамда ҳарбийларнинг оила аъзоларидан ташқари давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам бор эди.

Қутлуғ шодиёнага бағишланган тадбирда сўзга чиққан округ қўмондонини полковник Б. Тошматов мухтарам оналар-у, азиз опа-сингилларни самимий муборакбод этди. Уларга сўхат-саломатлик, оилавий тотувлик тилади. Қисм ва бўлиқмалар жанговар шайлигини юксак даражада сақлаш йўлида фидокорона хизмат қиладиган бир гуруҳ хотин-қизлар Фахрий ёрликлар, қимматбахо ва эсдалик совгалар билан тақдирландилар. Шартнома бўйича хизмат старшинаси Ж. Нурматова, шартнома бўйича хизмат оддий аскарни Л. Ан, Қуролли Кучлар хизматчилари — М. Алланазарова, Г. Мамбетова ва С. Манбетмуратовалар шулар жумласидандир.

Тантананада ўз дил изҳорларини баён этган 16-сонли ўрта мактаб директори Л. Утегенова, Нукус гарнизони касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Д. Абдуллина, «Қўшча» болалар боғчаси тарбиячиси М. Аллаёрова ва уй-жойдан фойдаланиш қисми хизматчиси З. Сримова-лар республикамиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларига кўрсатаётган чексиз ғамхўрликларидан миннатдор эканликларини айтдилар.

Тадбирга бадний ҳаваскорлик гуруҳлари санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар янада файз бахш этди.

Майор
К. МАХАМБЕТАЛИЕВ.

Халқимизга бунёдкорлик руҳи ёр

Бир муддат ўтиб юртимизга яна ташриф буюрган киши, албатта, бир гапни таъкидлайди: яна қурилиш, яна бунёдкорлик.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг бунёдкорлигини бугун бутун дунё тан олмақда. Ўзимиз ҳам, Балки мана шуниси — ўзимизнинг тан олаётганимиз муҳимроқдир. Зеро, бу халқимиз онгида яратувчилик руҳининг қайта тикланаётганидан, ана шундай туйғу билан яшай бошлаганимиздан, эртанги кунга ишончимиздан далолатдир. Утган саккиз ярим йиллик эркин тараққиётимизнинг қайси бир соҳасини олмайлик, энг аввало кўзга ташланадигани айнан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари бўлади. Ушбу тарихий тадбирларга бош-қош бўлаётган, халқимизни бутун дунёга бунёдкор сифатида танитаётган ҳам, миллатни ўзининг куч-қудратига ишонтираётган ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов эканини барчамиз яхши биламиз. Бирон бир йил йўқки, ҳоҳ мамлакатимиз пойтахти, ҳоҳ вилоятларда бўлсин, бунёдкорлик тадбирлари давом этаётган бўлса.

Маълумки, 1999 йилда Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилда буюк

мутафаккирлар Абу Мансур Мотурудийнинг 1130 йиллиги, Бурхониддин Марғиновичнинг 910 йиллиги, 2001 йилда эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини кенг ишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарорлар қабул қилган эди. 8 март кунини давлатимиз раҳбари мазкур тадбирлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг лойиҳалари билан танишди. Ушбу лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, мафкураси нуқтан назардан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, Абу Мансур Мотурудий хотирасига бағишланган мажмуани табаррук ватандошимизнинг ҳоқиқатан жойда эмас, бутунлай бошқа ерда бунёд этишни мўлжаллаган меъморлар режасига ўзгартириш киритишни таклиф этди. Президентимиз, жумладан, улуг алломанинг мақбараси айнан унинг руҳи поки қўним топган жойда барпо этилиши кераклигини, тарихий ҳақиқатга зид иш тутини адолат мезонига тўғри келмаслигини алоҳида уқтириб ўтди. Бурхониддин Марғинович таваллудини ишонлаш билан боғлиқ Марғилон, Риштон шаҳарларида барпо этилиши мўл-

жалланган ишларнинг лойиҳаси билан танишиш чоғида Юртбошимиз амалга ошириладиган қурилиш, ободотчилик тадбирлари мўлжалдаги мақсад ва вазифаларнинг маъно-моҳиятини бузмаслиги, ота-боболаримиздан қолган қадриятлар, удумларга зид бўлмаслиги кераклигига алоҳида эътиборни қаратди. Жумладан, Марғилон шаҳар марказий боғида — кўнглилар масканда Бурхониддин Марғинович хотирасига бағишланган Ёдгорликни ҳамда мотамсаро она ҳайкалинини ўрнатилиш ҳам меъморий, ҳам маънавий нуқтан назардан тўғри келмаслигини таъкидлади. Шунингдек, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Сурхондарё марказида барпо этиладиган ишонотлар хусусида ҳам фикрлар билдириб, Сурхон воҳасида мавжуд археологик обидаларни авайлаш, улардан топилган асорни атиқаларни бир неча минг йиллик тарихий-маданий тараққиётимиз намунаси сифатида келажак авлод учун сақлаш мақсадида Термиз шаҳрида алоҳида музей барпо этиш борасида кўрсатма берди.

(Давоми 2-бетда).

ОБЕСПЕЧИЛИ НАДЕЖНУЮ СВЯЗЬ

Для телефониста рядового Абдужаббара Пулатова участие в прошедших недавно батальонных тактических учениях стало еще одним этапом роста профессионального мастера.

Находясь на командном пункте артиллеристов, воин обеспечивал связь командования с огневыми расчетами. В напряженной, постоянно меняющейся обстановке учебного боя наличие четкой, бесперебойной связи становилось не просто важным, но в отдельных эпизодах и решающим моментом в достижении ус-

пеха. Поэтому в тех случаях, когда происходил обрыв на линии, телефонисты оперативно и четко устраняли его, перекрывая установленные нормы. А сознание того, что их скромный ратный труд является вкладом в победу в учебном бою, прибавляло воинам настроения и придавало энергии.

При подведении итогов учений среди поощренных прозвучала и фамилия телефониста рядового А. Пулатова, которому была объявлена благодарность. Капитан А. НУРОВ.

ХАЛҚИМИЗГА БУНЕДКОРЛИК РУҲИ ЕР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лойиҳалар билан танишиш чоғида Президент шаҳарсозлик, меъморлик маданияти, қонунилари, талабларига ҳам диққатни жалб қилди. Жумладан, Навоий вилояти марказининг келгусида шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ривожланиши ҳамда бу ерда Алишер Навоий ҳайкалининг барпо этиш ҳақида ўз таклифини айтди.

Шунигиндек, давлатимиз раҳбари яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами — Наврўзи оламни нишонлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари билан ҳам танишди ва байрамнинг асосий тантаналари ўтказилганда ўзбекистон Миллий боғидаги янги саҳна майдони қурилишини кўздан кечирди. Президентимиз қурилаётган ушбу янги маскан Навоий боғи билан уйғунлашиб, унинг кўркига кўрк қўшиши, боғ атрофидаги бинолар яққол кўришиб туриши лозимлигини таъкидлади. Томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар ҳар томонлама қулай бўлиши зарур. Юртбошимиз Наврўз байрами томошалари дастури билан ҳам қизиқиб, унда халқимиз миллий қадриятлари, анъаналари билан боғлиқ саҳна кўришларига, дорбозлар чиқишлари, халқ оғзаки ижодига, замонавий эстрада кўшиқларига кенг ўрин бериш кераклигини алоҳида қайд этди. Халқимиз бу байрамни ҳар йили интиқлик билан кутади. Шу боис, бу байрам дастури ҳар бир томошабинда ўзига хос нуқсончи таассурот қолдирсин, деди Президентимиз.

Маҳмуд ТЕМУРОВ. (ЎЗА).

ГАЗЕТА ЮБИЛЕИИ

8 Март байрами арафасида «Хоразм ҳақиқати» вилоят газетасининг муштарийларига газетанинг одатдан гапқари сони бориб теғди.

Бундан 80 йил муқаддам Хива босмахонасида Хоразм воҳасидаги биринчи даврий газетанинг дастлабки сони дунё юзини кўрган эди. Утган давр ичиди газета қадимий ўлка тараққийотининг ўзига хос йилномасига айланди ва ҳозир «Хоразм ҳақиқати» вилоятдаги энг оммавий нашрлардан бириндир.

Т. ШАМАКОВ, ЎЗА мухбири.

ВАЖНЫЕ РЕЗЕРВЫ

Очень хорошо сказал на собрании личного состава, посвященном подведению итогов работы, младший сержант К. Кучкаров: «Главный резерв в росте мастерства, повышении технических знаний, овладении смежными специальностями — это мы сами, наше отношение к делу, наше прилежание на занятиях, наша ответственность».

— Именно с этих позиций посмотрели на свой вклад в дело повышения боевой готовности воины нашего подразделения на том собрании, — рассказывает командир роты старший лейтенант М. Ахунув. — Ведь успех приходит в первую очередь к тем, кто видит перед собой конечную цель и настойчиво ее добивается. А таких у нас немало. Тогда были названы фамилии лучших специалистов, раскрыт их опыт работы.

Взять, к примеру, друзей — рядовых Ш. Таджикиева и Р. Мамадалыева. С первых дней службы они поставили перед собой цель — стать отличниками боевой и общественной — политической подготовки. Воины много трудились самостоятельно,

не стеснялись обращаться за помощью и советом к сослуживцам. Спустя полгода о них заговорили как о передовиках учебы, лучших специалистах.

Успехи друзей налицо. Но они не довольствуются достигнутым. Сейчас главные свои усилия воины сосредоточивают на оказании помощи отстающим.

— Стать отличником — это лишь полдела, — сказал мне рядовой Ш. Таджикиев. — При соответствующем отношении к службе этого рубежа может достичь каждый. Конечная же цель, которую должен ставить перед собой передовик, заключается в том, чтобы поднять до своего уровня сослуживцев.

Быстро освоились в этом коллективе воины осеннего

призыва. Недаром подразделение славится сплоченностью, взаимовыручкой. Большую помощь новому пополнению с первых дней оказывали и сейчас оказывают высококлассные специалисты: сержант Д. Султанов, младший сержант Ю. Хамидов, рядовые Х. Абдуллаев, А. Вершинин.

Однажды во время занятий случилась неполадка в машине, которой управляет рядовой Т. Мирзаев. Солдат сначала растерялся. Но на помощь ему пришел младший сержант Ю. Хамидов, подбодрил, помог устранить неисправность.

Многие воины подразделения хорошо осознают, что путь к успеху сопряжен со многими трудностями. Но это их не пугает. Не ладится у сослуживца дело, трудно дается солдатская наука — друзья тут же спешат на помощь.

— Недавно я был назначен на должность заместителя командира взвода, — рассказывает сержант Д. Султанов. — А до этого пришлось много учиться, приобретая навыки, овладевая

избранной специальностью. И, наконец, затянulosь бы мое становление, если бы не помощь, которую оказали мне тогда опытные специалисты. Сейчас на собственном опыте убедился, как непросто, оказывается, руководить людьми. Но я не остался один на один со своими проблемами. Всегда рядом — надежные товарищи, опытные наставники из числа офицеров и прапорщиков. Они не дают опустить руки перед трудностями. Говорю об этом для того, чтобы еще раз подчеркнуть: дружба, товарищеская взаимопомощь и взаимовыручка — важные резервы повышения боевой готовности.

Стремясь достойно встретить весенний праздник Наврўз, воины подразделения намерены еще напряженнее трудиться над совершенствованием своего мастерства, выполнением принятых обязательств, умело используя при этом имеющиеся резервы, добиваясь зветных рубежей в соревновании.

Б. САИДОВ.


БАҲОРГИ СИНОВ ТАРАДДУДИ

Катта лейтенант Мурод Солиев командирлик қилаётган мотоўқичлар ротасининг азамат жангчилари баҳорги синовларга пухта таррадуд кўришмоқда. Ҳар бир назарий ва амалий машқларда фаол қатнашиб, ўз касбий маҳоратларини янада ошириш ниятида кураш олиб бормоқдалар.

Рота командирининг шахсий тартиб билан ишлаш бўйича ўрибосари лейтенант Нурдош Ҳолиқовнинг таъкидлашича, сержант ва оддий аскарлар қишки ўқув мавсумини фақат юқори кўрсаткичлар билан тамомлашга ва бу орқали жамоа пешқадамлигини қўлда сақлаб қолишга аҳд қилганлар. Шу боис ҳозирда қизгин давом этаётган тайёргарлик машғулотларида ҳар бир посбон вақтдан унумли фойдаланган ҳолда ҳарб илми сир-синаотларини мунамал эгалламоқдалар.

Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш учун ҳам тайёргарлик ишлари авж олган. Бу борада эса сержантлар — У. Мусаев, М. Бобоёров ва К. Мамажоновларнинг қўл остидаги йигитлар кўпчилигига ибрат бўлишмоқда.

Прапорщик Ҳ. ҚОДИРОВ.



Катта лейтенант Дошёр Нуралиев ўз қўл остидаги посбонларнинг назарий ва амалий билимлари талаб даражасида бўлиши учун жонбозлик кўрсатиб келаётган фидойи ёш офицерлардан.

— Назария билан амалиёт бирга олиб борилсагина катта ютуқлар қўлга келтилади, — дейди у.

Суратда: катта лейтенант Д. Нуралиев сержантлар М. Абдурахимов, Ж. Абдукаримов ва оддий аскар Н. Жалоловларнинг назарий билимларини амалиётда синая кўраётган пайт.

В. СУЧКОВ суратга олган.

● ҲАВАС ҚИЛСА АРСИДИ

МАКТАБГА МАКТУБЛАР

Езёвонда энг кўрам, кўзга ташланадиган биро ҳақида гап кетса, биринчилардан бўлиб туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомобиль мактабининг тилга олишади. Бу бежиз эмас, чунки туман раҳбарияти ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни она юрт ҳимоясига тайёрлаш масалаларига доимо катта эътибор бериб келади. Шунинг учун автомобиль мактаби нафақат қақирилувчиларга техника сирларини ўргатиш, билим ва кўникмалар бериш, балки моддий-маърифий тарбия маскани ҳамдир.

Бу ерда ўқувчиларни баркамол инсон бўлиб етиштириш учун барча шароитлар яратилган. Сиффоналар ва монавий кўргазмаларни кўрсаткичлар билан жиҳозланган. Ўқувчилар планат ва стейндлар орқали назарий билимларини оширишса, турли автомобиль қисм ва несмалари орқали амалий кўникмалар олишади. Маса-

лан, йўл ҳаракатлари қондаларини ўрганиш синфида электрлаштирилган темир-йўлдан ўтиш жойи, светофор макетлари, ҳайдовчининг тўсатдан пайдо бўлган хавфни кўриб, қарор қабул қилишига қадар вақтини белгилайдиган асбоб ва шу каби кўплаб ўқув қуроллари мавжуд. Биз бошқа сиффоналарда бўлганимизда уларда ҳам ўқиб жараёнининг сифати ва самарасини ошириш учун шароитлар муҳайё этилганининг гувоҳи бўлдик.

Маданият ва маърифат хонаси эса бизни дол қолдирди, десам муболага бўлмайди. Бу ердаги мустақил Ватанимиз тарихи, буюк аجدодларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳриддин Бобур ва бошқа алломаларнинг ҳаёти, жанговар йўли акс эттирилган плакатлар ишида катта таассурот қолдириши табиий. Шунингдек, ўқувчилар Қуролли Кучларимизнинг тузилиши, қўшин турлари, олий ҳарбий билим юртлири

тўғрисида ҳам батафсил маълумот олишлари мумкин. Мантабада қўшин туманлардан ҳам келиб ўқиётганлар бор. Улар учун 150 ўринга мўлжалланган ётоқхона, кенг ва шинам ошхона мавжуд. Албатта, бундай шароитлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Уларни яратишда автомобиль мактаби бошлиғи Аҳмадали Ҳомидовнинг ҳиссаси беқиёсдир.

— Бу ерда иш бошлаганимга яқинда 32 йил бўлади, — дейди кулимсраб Аҳмадали ана. — Собиқ иттифоқ пайти барча дарслар фақат рус тилида ўтилди. Қишлоқда ўқиган йигитлар ўзларига ёт тилни яхши билишмасди, жуда қийиналардилар. Шунинг учун кўпроқ техникага қизиқадиганларини эмас, балки рус тилини биладиган болаларни танлаб олишга мажбур бўлардим. Ёшлар ҳам истар-истамас ўқишга келишарди. Шунлар бўлганим, у вақтлар ортда қолди. Мустақиллик шарофати би-

лан ўз тарихимиз, ўз тилимизга эга бўлдик. Мана, Темур бобомизнинг сиймоси ишланган панио ҳовлимизга кўрк бериб турибди. Уша замонларда бу ҳақда орау ҳам қилиб бўлмасди. Эҳ-ҳе, гапирсам гап кўл. Шароитлар ҳам бир нави эди. Бугун эса қаранг, аҳволимиз ҳавас қилса арзгудек. Тўғри, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, лекин улар тезда ўз ечимини топапти. Бунинг учун туманимиз раҳбарларидан миннатдоримиз, Илтимосимизни ерда қолдиришмайди, ҳаммиса ёрдам беришади.

Езёвон автомобиль мактаби туман мудофаа ишлари бўлими, «Нуроний», «Намолот» жамғармалари билан ҳамжиҳатликда иш олиб боради, ёшларни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялашда ҳамкорлик қилиб, турли тадбирларни биргаликда ўтказишади.

Ёшларни техникага, ҳарбий хизматга қизиқтиришлари ортириш учун картинг, нишонга отиш ва бошқа спорт турлари бўйича секциялар тузилган бўлиб, уларда шугулланаётганлар республикамиз миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Бу борада

айлиқса, картинг бўйича спорт усталари — Э. Осмонов ва Н. Дзубинларнинг муваффақиятларини алоҳида тилга олиб ўтиш жонз. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари савиясини янада ошириш мақсадида спорт зали қуриш режалаштирилган.

Езёвон тумани мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомобиль мактабининг фаолияти самараси ҳақида қисм ва бўлимлардан келаётган кўплаб миннатдорчилик хатлари ҳам далолат беради. Бу мактабларда командирлар Езёвонлик йигитлар ўз касбларини моҳир усталари эканлигини ва улар Ватан олдидаги бурчларини астойдил ўтаб, сафдошларига ўрнатиб бўлаётганликларини баён этишган.

— Ана шундай хушхабар олганимизда, кўнглимиз тоғдай кўтарилди, — дейди Аҳмадали Ҳомидов. — Берган билим ва тарбиямиз эсе кетмаганлиги, аскарларимиз ишончимизни оқлаётганликларини эшитиб, хурсанд бўламиз. Бу мактаблар бизни яна-да фаолроқ, яна-да жон куйдириб ишлашга ундайди.

Ф. ЖАББОРОВА.

ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

АВТОГОНД

ТРЕХЛУЧЕВАЯ ЗВЕЗДА — СИМВОЛ ПРЕВОСХОДСТВА

«Мерседес-Бенц» был основан в 1926 году под названием «Даймлер-Бенц АГ», и в этом названии объединились две фамилии (а в эмблеме — символы) пионеров автомобильной индустрии — Карла Бенца, который построил первый в мире автомобиль с бензиновым двигателем — трехколесный — в 1886 году, и Готтлиба Даймлера, который в том же году создал автомобиль на четырех колесах. После смерти Даймлера в 1900 году владеть компанией стали два его сына. Думая о привлекающей внимание эмблеме, братья вспомнили о письме отца, посланном своей жене с рисунком звезды, которую он надеялся увидеть над заводом «Даймлер» как звезду, приносящую процветание. В 1909 году в качестве торговой марки было утверждено два изображения звезды — с тремя и четырьмя лучами, но стала использоваться только трехлучевая, которая была призвана символизировать превосходство компании



в трех средах — на земле, на воде и в воздухе. Бенц же в качестве товарного знака выбрал в 1903 году рулевое колесо; шестью годами позже оно уступило место лавровому венку. После слияния обеих компаний в 1926 году этот символ был объединен со звездой Даймлера как символ этого слияния. В современном виде — круг в трехлучевой звезде — эмблема существует с 1937 года.

В 1899 году австрийский бизнесмен, дипломат и автогонщик-любитель Эмиль Джеллинек выиграл автогонку «Шайс Спил Трейл» под псевдонимом «месье Мерседес», который взял в честь своей дочери Мерседес (само имя в конечном счете происходит от испанского «удача»). На следующий год Джеллинек оговорил право продавать в Австрии и Франции новую машину «Даймлера» «Симплекс» под тем же именем, которое скоро стало широко известным и популярным, настолько популярным, что компания стала присваивать его всем последующим моделям. Интересно, что Джеллинеку его псевдоним так понравился, что примерно в 1903 году он официально принял фамилию Джеллинек-Мерседес.

РОНАЛДОНИНГ ҚАЛЛИГИ

Аёлларнинг макри ҳақида кўп эшитгансиз. Ҳатто шу макрларга дуч келган бўлсангиз ҳам ажаб эмас. Макр-ҳийла ҳамма жойда бор. Футболчи Роналдони яхши биласиз. Ҳозир гап у ҳақида эмас. Миленининг уни қандай қўлга туширгани хусусида.

Бразилиялик машҳур футболчи Роналдонинг қиз уртоғи Ингирма икки ёшли Милена доим севгилиснинг солида яширишиб келган, аммо журналистлар барибир у билан суҳбатлашишга мўлжал бўлишди. Ҳозир ана шундай суҳбатлардан бирининг тафсилоти билан танишасиз.

Роналдо қаллигининг нафақат гўзаллиги ва мафтундорлиги, унинг тўп билан моҳирона ўйнай олиши билан ҳам фахрланади. Ажабланарлиси, Милена футболчига нисбатан бу машини яхшироқ бажаради. Малласоч қиз бу борада ҳатто жаҳон рекордини ҳам урнатган: у тўпга 55187 марта зарба бериб, уни тўққиз соат давомида ҳавода ушлаб турган.

Улар тўсатдан учрашишмаган, лекин Милена бунини яширмайди ҳам. Узи ва футболчи уртоқларидан бирининг битта сартарош хизматидан фойдаланишларини эшитиб қолган Милена имкониятни бой бермай, дарров учрашув ташкил этишга киришди. Учрашув ҳам муваффақиятли ўтди, ёниб турган шамлар, оҳиста мусиқа ва италиянча қаҳвахонанинг қўлай муҳити дўстона суҳбатга имкон яратди. Роналдо янги қаллигидан эски муҳаббати — немис топ моделири Сюзанна Вернерни унутолмаётганини яширмаётган бўлса-да, бу хотиралар икки чарм тўп усталарига бир кўришдаёқ бир-бирларини севиб қолишларига ҳалақат бермади.

Ф. ТОШМАТОВА

РАҲБАР АЁЛЛАР

Қуйидаги жадвалда Марказий ва Шарқий Европа, Ҳамдустлик, шунингдек, Болтиқбўйи давлатларидаги аёлларнинг раҳбарлик вазифаларида неча фойз ўринини эгаллаб тургани билан танишасиз.

Македония	— 20
Хорватия	— 19
Латвия	— 17,6
Словения	— 16,9
Словакия	— 15,6
Болгария	— 14,6
Эстония	— 14,3
Албания	— 11,8
Қирғизистон	— 11,4
Чехия	— 10,6

Польша	— 9,8
Литва	— 7,3
Венгрия	— 6,9
Энди айнан вазирлик мақомида неча фойз аёллар раҳбарлик вазифаларида эгаллаб тургани билан танишасиз.	
Словакия	— 15
Хорватия	— 11,5
Латвия	— 11,1
Қирғизистон	— 10,5
Македония	— 8,7
Озарбойжон	— 7,7
Собиқ Югославия	— 7
Белорусь	— 5,3
Марказий Осиёнинг умумий кўрсаткичи	— 4,5
БМТ маълумотлари асосида тайёрланди.	

АЖАБО

АТМОСФЕРА ВА ЕРНИНГ ОҒИРЛИГИ ҚАНЧА?

Ҳали бунақанги тарози йўқ-ки, мазкур саволимизга жавоб тополасиз. Аммо ўлимдан бошқасининг чораси топиларкан. Тиниб-тинчимас олимлар ниҳоят бу саволга ҳам жавоб топди. Яъни, улар икки жисм ўртасида тортишув туфайли юзага келувчи гравитацион куч қонунидан фойдаланиб, бунга муваффақ бўлдилар. Маълумки, мазкур қонунига асосан икки жисм бир-бирига оғирлиги ва оралиғидан массага боғлиқ бўлган куч билан тортилади.

Хуллас, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, сайёрамиз 5,976 секстиллион тонна тош босаркан. Яъни рақамлар билан ифодаланса, 5,976 000.000.000.000.000.000 сонни келиб чиқади.

ЕМИРИЛАЕТГАН СФИНКС

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган Миср пирамидалари ҳақида кўпчилигимиз яхши биламиз. Пирамида ёнида Сфинкс номли баҳайбат шернинг ҳайкали борлигини ҳам, албатта, мазкур ҳайкалнинг ёши 4500 йилга тенг эканлиги борасида олимлар ўртасидаги баҳс-мунозара ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ. Бироқ гап бунда эмас. Айтиш лозимки, айни пайтдаги ўй-ташвиш япон олимларининг «мазкур ҳайкал 200 йилдан сўнг емирилади» деган хулосасидан сўнг бошланди.

Маълум бўлишича, Сфинкснинг кўрак ва бўйин қисми асосан хавф остида экан. Негани, ҳайкалнинг бу «аъзолари» яхлит оқатқошдан эмиш. Оқатқош эса ташқи таъсирлар натижасида вақт ўтгани сари емирилади борган.

ПОСМЕЕМСЯ ВМЕСТЕ

Ревнивий мужик прибегает домой и кричит жене:
— Я все знаю!
— Да? Ну и какой же самый большой приток у Амазонки?

Дама спрашивает маленькую девочку:
— Крошка, какие у тебя прекрасные волосы! Они у тебя от мамы?
— Нет, думаю, от папы. Потому что у него на голове не осталось ни одного волосика.

— Мама, — кричит в трубку телефона дочь. — Уже два часа ночи, а мужа все нет! Может, он завел любовницу?

— Доченька, ну зачем же сразу думать самое худшее? Может, он просто поехал под машину?

В разговоре с писательницей ее собеседник пытается отстоять свою точку зрения:
— Но ведь бог вначале создал мужчину, а потом женщину!

На что писательница возразила:
— Я тоже вначале пишу черновик.

— Пап, а пап! А что за змея на аптеке нарисована?
— Змея? Это твоя мама ест мороженое.

ТЕСТ

ВЫ ЖИЗНЕЛЮБИВЫ?

Вы вечно чем-то недовольны или даже в неприятной ситуации находите положительные моменты? Лучше узнать себя, поможет этот тест.



1. Где, по вашему, люди более счастливы?

а) в жарких краях, где всегда светит солнце;

б) в больших горах, высокогорных странах;

в) в Канаде или Скандинавии, потому что там низкая влажность и высокая температура.

2. Какое из изречений могло бы стать девизом вашей жизни?

а) ну и железо, вода горюча;

б) за черной полосой всегда идет белая;

в) не все то золото, что блестит.

3. Какой подарок партнера мог бы вам особенно порадовать (фото 1)?

а) изысканное ювелирное украшение;

б) туристическая путевка за границу;

в) что-нибудь из необходимой в хозяйстве бытовой техники.

4. Подумываете ли вы о смене профессии?

а) да, и довольно часто. Хотелось бы освоить еще одну специальность;

б) иногда, в том случае, если на работе неприятности или задерживают зарплату;

в) нет, никогда.

5. Над чем вы чаще всего смеетесь (фото 2)?

а) над напастями, выпавшими на долю знакомого;

б) над хорошей шуткой или анекдотом;

в) над собственной бестолковостью.

6. Что вас больше всего раздражает во время прогулок по городу?

а) толчея;

б) попрошайки;

в) загазованность.

7. Какие мужчины привлекают ваше внимание?

а) уверенные в себе (фото 3);

б) подчеркнуто интеллигентные;

в) веселые и остроумные.

КЛЮЧ К ПСИХОТЕСТУ

	1	2	3	4	5	6	7
A	2	2	1	3	3	1	2
B	1	1	2	2	2	3	3
C	3	3	3	1	1	2	1

Суммируйте баллы своих ответов:

7—11. Примите поздравления! Вы живете в согласии с собой и принимаете мир таким, каков он есть, умеете радоваться мелочам, а на неприятности не обращаете внимания.

12—16. Время от времени вы корите судьбу и не понимаете, за что можно любить «такую жизнь». Пожалуй, это связано с тем, что вы предъявляете завышенные требования к окружающим и заниженные — к себе.

17—21. Почему вы смотрите на мир сквозь черные очки? Вспомните: все, что ни делается, — к лучшему, и старайтесь проводить больше времени в обществе жизнерадостных людей.

РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76 ♦ РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76 ♦ РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦

БАТАНПАРВАР

Объявления и реклама для опубликования в газете «Ватанпарвар» принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (комн.27).

Адрес: ул. Купаева, 21 (ориентир гостиница «Россия»).

Редакция газеты «Ватанпарвар» срочно требуется профессиональный ФОТОКОРРЕСПОНДЕНТ.

раб. и пераб. состоянии. Т.: 74-95-15, 75-87-22.

«Номету-225», ВМ-12 и др. отеч. и имп. масс. магн., деку, усилит. и в/маг. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

РАЗНОЕ

ООО «ДИВС — СЕРВИС» Яккасарайского р-на ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 51-14-17.

Утерянное свидетельство о вилочении хозяйствующего субъекта в государственный регистр предприятий и организаций № 37, выданное 18.01.1993 года фирме ООО «Танс», считать недействительным.

Утерянный аттестат АО № 008418 о среднем образовании, выданный школой № 301 г. Ташкента в 1995 г. на имя КУРБАНОВА Улутбека Аюбжановича, считать недействительным.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 7 мартдан бошлаб ҳисоб ва божиона тўловлари учун хорижий валюталарнинг суммага нисбатан қуйидаги қиймати белгиледи: 1 АҚШ доллари 144,93

Валюта қиймати белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

КУПЛЮ
Шв. маш., холод., тел. в/маг., БК, стир. маш., газ, плиту. Т.: 45-78-30.

Холод., шв. маш., тел. в/маг., БК, стир. маш. «Қирғизия» и «Волга» в

